



ОДОБ-АХЛОҚ МАВЗУСИГА ОИД АСАРЛАР

Тўраев Даврон

“Oriental” университети магистранти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8008849>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25-May 2023 yil
Ma'qullandi: 28-May 2023 yil
Nashr qilindi: 06-June 2023 yil

KEY WORDS

Ислом тарихида таълим-тарбияга, хусусан, талаба ва ўқувчиларнинг тарбиясига оид илк асарлар ҳанафий мазҳаби вакиллари томонидан ёзилган, десак муболаға бўлмайди.

ABSTRACT

Ислом тарихида таълим-тарбияга, хусусан, талаба ва ўқувчиларнинг тарбиясига оид илк асарлар ҳанафий мазҳаби вакиллари томонидан ёзилган, десак муболаға бўлмайди. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (80-150 ҳ./699-767 м.) раҳматуллоҳи алайҳи шогирдларига қилган насиҳат ва васиятлари талаба ва ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи ва таълим-тарбиясига бағишланган дейиш мумкин. У зотнинг Усмон ал-Баттий (ваф. 143 ҳ./761 м.) ва Абу Юсуф (113-182 ҳ./731-798 м.) кабиларга қилган васиятномалари, шогирдлари билан қилган суҳбат асосида яратилган “ал-Олим ва-л-мутааллим” номли асари шу жумладандир.

Ислом тарихида таълим-тарбияга, хусусан, талаба ва ўқувчиларнинг тарбиясига оид илк асарлар ҳанафий мазҳаби вакиллари томонидан ёзилган, десак муболаға бўлмайди. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (80-150 ҳ./699-767 м.) раҳматуллоҳи алайҳи шогирдларига қилган насиҳат ва васиятлари талаба ва ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи ва таълим-тарбиясига бағишланган дейиш мумкин. У зотнинг Усмон ал-Баттий (ваф. 143 ҳ./761 м.) ва Абу Юсуф (113-182 ҳ./731-798 м.) кабиларга қилган васиятномалари, шогирдлари билан қилган суҳбат асосида яратилган “ал-Олим ва-л-мутааллим” номли асари шу жумладандир.

Мовароуннаҳрда илмга муносабат ҳамиша ижобий бўлган, илм ўрганиш ва ўргатиш, илм тарғиботи, китоб ўқиш, билим орттириш ҳамиша энг олий фарз ва муқаддас бурч сифатида эътироф этилган. Шунинг учун икки дарё (Амударё ва Сирдарё) оралиғида дунёга машҳур алломалар, устозлар етишиб чиқди. Уларнинг ёзган китоблари дунё халқларига дастуруламал бўлди. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (ваф. 232 ҳ./847 м.), Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (194-256 ҳ./810-870 м.), Абу Исо ат-Термизий (209-279 ҳ./824-892 м.), Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 333 ҳ./944 м.), Абу Али ибн Сино (370-428 ҳ./980-1037 м.), Абу Райҳон Беруний (362-440 ҳ./973-1048 м.), Абу-л-Муъин ан-Насафий (418-508 ҳ./1027-1114 м.), Абу Ҳафс ан-Насафий (462-537 ҳ./1068-1142 м.), Маҳмуд аз-Замахшарий (467-538 ҳ./1075-1144 м.), Бурҳониддин ал-Марғиноний (511-593 ҳ./1117-1197 м.), Абу-л-Баракот ан-Насафий (629-710 ҳ./1232-1310 м.), Мирзо Улуғбек (796-853 ҳ./1394-1449 м.), Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож

аш-шариъа ал-Бухорий (ваф. 747 х./1346 м.), Шамсиддин Муҳаммад ал-Кўҳистоний (ваф. 953 х./1546 м.) каби юртдошларимиз ана шундай маърифий ишларнинг бошида турдилар.

Ислом оламида илк мадрасалар Бухорода пайдо бўлганлигини олимларимиз таъкидлайдилар. Исломнинг илк даврларидаёқ бизнинг юртларда исломий ва дунёвий илмларни ўқитадиган илм даргоҳлари фаолият олиб борди. “Абу Ҳафси кабир мадрасаси”, “Фаржак”, “Калобод”, “Ғарибия” ва “Масъудия” каби илк мадрасалар қадим Бухорода фаолият юритган эди¹. Шундан бери то XX аср бошларигача бутун Мовароуннаҳр бўйлаб ҳар бир шаҳарларда юзлаб мадраса ва ўқув даргоҳлари барпо қилинди. Марказдан узоқ шаҳарларда ҳам талабаларни ўқитадиган бир нечта ўқув даргоҳлари фаолият юритган. Табиийки, бу ўқув юртларидаги талаба ва ўқувчиларнинг ўзига хос одоб-ахлоқ мезонлари ишлаб чиқилди, ўқиш жараёнидаги қонун-қоидалар шаклланди. Булар тўғрисида алоҳида ўқув қўлланмалари ҳам ёзилди.

Ислом дини ахлоқ дини ҳисобланади. Исломда ҳаётнинг барча жабҳалари ва жиҳатларига оид ўзига хос одоб-ахлоқ мезонлари мавжуд. Шунинг учун ҳам, ислом тарихида китоб ёзиш оммалашган илк даврладаноқ дидактикага оид одоб-ахлоқ ва панд-насихатга бағишланган китоб ва рисоалар ёзила бошлаган.

Адабиётларда Мовароуннаҳрда таълим-тарбия ва одоб-ахлоққа доир ёзилган асарлардан бири сифатида Абу Бакр Муҳаммад ибн Умар ат-Термизий ал-Балхий (ваф. 280 х./894 м.) ҳамда Абу-л-Муъин ан-Насафий (418-508 х./1027-1114 м.) томонидан битилган “ал-Олим ва-л-мутааллим” номли рисола кўрсатилган бўлиб, улар Абу Муқотил ас-Самарқандий (ваф. 208 х./824 м.) томонидан битилган Имоми Аъзам Абу Ҳанифа билан савол-жавобидан иборат “ал-Олим ва-л-мутааллим” асари бўлиши мумкин². Самарқанд қозиси бўлган, тарихда “Ибн Ҳиббон” кунияси билан танилган муҳаддис Абу Ҳотим ал-Бустий (ваф. 354 х./965 м.) томонидан ҳам “ал-Олим ва-л-мутааллим” номли асар битилган. Унинг “Равзат ал-уқало” номли асари ҳам одоб-ахлоқ мавзусига бағишланган³.

Шарқнинг буюк ислом файласуфи Абу Наср ал-Фаробий (259-339 х./873-950 м.) “Ма қабл ал-фалсафа”, “Ароъ аҳл ал-мадина ал-фозила” ва бошқа ўнлаб китоб ва рисоаларида одоб-ахлоқ мавзуси, айниқса, талаба ва ўқувчиларга қилинган панд-насихат ва кўрсатмалар ўрин олган.

Шарқнинг буюк алломаларидан яна бири, ватандошимиз Абу Али ибн Сино (370-428 х./980-1037 м.) “ас-Сиёсат” ва бошқа асарларида ҳам одоб-ахлоқ мавзуси, талаба ва ўқувчиларга қилинган панд-насихат ва кўрсатмалар ўрин олган, дейиш мумкин.

Ҳанафий олимлари орасида талаба ва ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи ва таълим-тарбиясига бағишланган энг машҳур асар, шак-шубҳасиз, ватандошимиз Бурҳониддин аз-Зарнужий (XII аср охири – XIII аср бошлари) қаламига мансуб “Таълим ал-мутааллим тариқ ат-тааллум” (“Илм ўрганувчига илм олиш йўлини ўргатиш”) номли рисоладир. Зотан, Ислом тарихида мадрасалар ва ўқув даргоҳларидаги таълим дастурлари, ўқитиш услублари, талабаларнинг ҳаёт тарзи, одоб-ахлоқлари ҳақида ёзилган услубий

¹ Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б. 45-48.

² Уватов У. Абу-л-Муъин ан-Насафий // Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. – Тошкент: Маънавият, 2010. – Б. 186.

³ Хайридин аз-Зириклий. Ал-Аълум. 6-жилд. – Байрут: Дор ал-илм, 2002. – Б. 78.

қўлланмалар орасида энг машҳури Бурҳониддин аз-Зарнужий (XII аср охири – XIII аср бошлари) томонидан битилган “Таълим ал-мутааллим” асари ҳисобланади.

Бурҳониддин аз-Зарнужийнинг ҳозирча маълум бўлган якка-ю ягона асари “Таълим ал-мутааллим тариқ ат-тааллум” (“Илм ўрганувчига илм олиш йўлини ўргатиш”) номли машҳур рисоладир. Қўлёзмаларда унинг номи “Одоб ал-мутааллимин” (“Ўрганувчиларнинг одоби”) деб ҳам аталган. Ушбу асарни муаррихлар: “Бир неча фаслларни ўз ичига олган, ҳажми кичкина, манфаати катта нафис китоб”, деб тавсиф қилишган ва қўлга киритиб, ўқиб чиққанларини фахр билан тилга олганлар⁴. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Ҳанафий ал-Кафавий (ваф. 990 ҳ./1582 м.) эса ўзининг “Катоиб аълом ал-ахёр” асарида: “У бир анча фаслларни қамраган фойдали нафис китоб, ҳажми кичкина, манфаати кўп, ўрганиш энгил, тушуниш осон, Аллоҳга шукр ундан биз ҳам фойдаландик ва бу китобимизда ундан турли масалаларни нақл қилдик” деб, асардан икки саҳифа ҳажмида иқтибослар келтирган⁵.

Умуман олганда, ислом оламининг турли томонларида мутафаккир алломалар, олим-у уламолар талаба ва ўқувчиларга қилинган панд-насихат ва кўрсатмалардан иборат сара асарлар битганлар. Улар орасида Бурҳониддин аз-Зарнужий ва унинг “Таълим ал-мутааллим” асари ҳам муҳим ўрин тутди.

INNOVATIVE
ACADEMY

⁴ Масалан, қаранг: Абдулқодир ал-Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музийя. 4-жилд. – Ҳажар: Мактаба ат-Тибоъа ва-н-нашр, 1993. – Б. 365; Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фавоид ал-бахия. – Қоҳира: Дор ал-китоб ал-исломий, 1911. – Б. 54.

⁵ Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Ҳанафий ал-Кафавий. Катоиб аълом ал-ахёр мин фуқаҳо мазҳаб ан-Нўъмон ал-мухтор. 2-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2019. – Б. 112-114.